

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСИ**

ЭЙДЕЛНАНТ НЕЛЯ КУЗМИНИЧНА

**БУХОРО-ХИВА РЕГИОНИ ЮРА ДАВРИ КАРБОНАТ ФОРМАЦИЯСИ
НЕФТГАЗЛИ ЖИНСЛАРИНИНГ ПЕТРОФИЗИК ХУСУСИЯТЛАРИГА
УЛАРНИНГ ТУЗИЛМА-ТЕКСТУРАВИЙ ХИЛМА ХИЛЛИГИ ВА
ЎЗГАРУВЧИЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025 й.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эйделнант Неля Кузьминична

Бухоро-Хива региони юра даври карбонат формацияси нефтгазли
жинсларининг петрофизик хусусиятларига уларнинг тузилма-
текстуравий хилма хиллиги ва ўзгарувчанлигининг таъсири 3

Эйдельнант Неля Кузьминична

Влияние структурно-текстурной неоднородности и преобразованности
нефтегазоносных пород юрской карбонатной формации на их
петрофизические свойства в Бухаро-Хивинском регионе 19

Eydelnant Nelya Kuzminichna

The influence of structural-textural heterogeneity and transformation of oil
and gas-bearing rocks of jurasic carbonate formation on their petrophysical
properties in the Bukhara-Khiva region..... 35

Нашр қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 38

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСИ**

ЭЙДЕЛНАНТ НЕЛЯ КУЗМИНИЧНА

**БУХОРО-ХИВА РЕГИОНИ ЮРА ДАВРИ КАРБОНАТ ФОРМАЦИЯСИ
НЕФТГАЗЛИ ЖИНСЛАРИНИНГ ПЕТРОФИЗИК ХУСУСИЯТЛАРИГА
УЛАРНИНГ ТУЗИЛМА-ТЕКСТУРАВИЙ ХИЛМА ХИЛЛИГИ ВА
ЎЗГАРУВЧИНЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025 й.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.PhD/GM218 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаев Ғайбулла Сайфуллаевич
геология-минералогия фанлари доктори
профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Гафур
геология-минералогия фанлари доктори

Халисматов Ирмухамат
геология-минералогия фанлари номзоди,
профессор

Етакчи ташкилот:

«Ўзбекгеофизика» АЖ

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « 26 » июн соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри., Олимлар кўчаси, 64-Б уй., e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4417 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-Б уй., e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил « 30 » май куни тарқатилди.

2025 йил « 24 » мартдаги 94 рақамли реестр баённомаси).



Т.Х. Шоймуротов
Илмий даражадар бериш бўйича
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д., к.и.х.

М.Г. Юлдашева
Илмий даражалар бериш бўйича
илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.д., к.и.х.

А.Н. Богданов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нефть ва газ захираларининг асосий ўсиши геология-қидирув жараёнига углеводород уюмларини излаш учун инновацион технологияларни жалб қилиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Юра карбонат жинслари структуравий-текстуравий хилма-хиллигининг ва карбонатларда кечган қайта шаклланишнинг петрофизик хусусиятларига таъсирини ўрганиш геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш имконини беради. Шу муносабат билан, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган геофизик ва литологик тадқиқотларни қамраб олган ҳолда янги истиқболли тузилмаларни излаш нефть ва газ геологиясининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, у назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда дунёда нефть ва газ уюмларини излашда энг истиқболли зоналарни ажратиш мақсадида нефтьгазли комплекс жинсларининг моддий таркиби, ўзгарганлик даражаси, структуравий-текстуравий хилма-хиллигини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, юра карбонат формацияси тоғ жинсларининг структуравий-текстуравий хилма-хиллиги ва генетик турларини, улар коллектор-қатламларининг маълум генетик турларга мансублигини аниқлаш, шунингдек карбонат тоғ жинсларининг қайта шаклланиш даражасини ўрнатиш ва унинг фильтрация-сиғим хусусиятларига таъсирини аниқлаш нефтьгазга истиқболли майдонларни қидиришда алоҳида эътиборга молик.

Республикамызда углеводород захираларининг ўсиши билан боғлиқ бўлган ва геология-қидирув ишлари ҳажмини оширишни талаб қиладиган нефть ва газ соҳасини ривожлантириш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига таянган ҳолда¹ “миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, ялпи ички маҳсулотда саноат улушини ошириш ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга қаратилган саноат сиёсатини амалга оширишни давом эттириш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, Бухоро-Хива региони карбонат формацияси жинсларининг структуравий-текстуравий хилма-хиллиги ва улар қайта шаклланишининг петрофизик хусусиятларига таъсирини баҳолаш орқали қулай зоналарни ажратиш нефть ва газ уюмларини қидиришда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 майдаги ПҚ-3006-сон "2017-2021 йилларда минерал хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори; 18.11.2019 йилдаги "Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4522-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йиллар учун Янги Ўзбекистоннинг Ривожланиш Стратегияси тўғрисида» Фармони

хукукий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикадаги фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожланишининг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. юра даври карбонат формацияси Фарбий Ўзбекистон ҳудудида катта ҳажмли геологик элемент ҳисобланади. Дастлабки тадқиқотлардаёқ юра карбонат қатлами геологик ривожланиш тарихида алоҳида босқич сифатида ажратилган мукамал платформа формацияси эканлиги эътироф этилган.

Уни ўрганиш билан кўплаб тадқиқотчилар шуғулланган, жумладан: Е.М.Абетов, Г.С.Абдуллаев, А.М.Акрамходжаев, М.Х.Арифджанов, П.У.Ахмедов, А.Г.Бабаев, В.И.Вето, К.А.Грудкина, Ш.Н.Дусмухамедов, Г.Б.Евсеева, А.Г.Ибрагимов, З.С.Ибрагимов, В.Д.Илин в.б., Ф.П.Корсаков, В.В.Курбатов, И.В.Кушниров, М.Г.Лувишис, Х.Х.Миркамалов, А.Н.Симоненко, В.И.Троитский, З.С.Убайходжаева, Д.И.Хейфес, С.Т.Хусанов, М.Э.Эгамбердиев ва бошқалар.

Ўрта ва юқори юра даври нефтгазли карбонат формацияси жинсларининг моддий таркиби, уларнинг петрофизик рангбарангликка ажратилган генетик хусусиятлари, шунингдек седиментациядан кейинги жараёнларнинг тоғ жинслари фильтрация-сиғим хусусиятларига таъсири бўйича тадқиқотлар Бухоро-Хива региони карбонат жинсларининг петрофизик турлари жамланмаси бўйича кесмаларнинг асосий турлари ажратиб кўрсатилган ҳолда, ўтган асрнинг 70-йилларида А.Г.Бабаев раҳбарлигида мазкур диссертация муаллифи томонидан, излов-қидирув қудуқларини бурғилаш ва карбонат жинсларининг кернлари маълумотларини комплекс ўрганиш натижаларига кўра батафсил ўтказилган. Бундан кейин республикада бу борадаги тадқиқотлар олиб борилмаган. Ўтган давр мобайнида нефтгазли карбонат формация жинсларини очган янги бурғиланган қудуқлар ва керн материалларини литологик-петрографик ва бошқа лаборатория тадқиқотлари (литологик-физик, физик-кимёвий, рентген-дифрактометрик в. б. таҳлиллар), қудуқларнинг геофизик тадқиқотлари (ГИС) бўйича комплекс ўрганиш натижалари бўйича катта ҳажмдаги геологик-қидирув ишлари бажарилди ва улкан ҳажмдаги материаллар тўпланди. Шу нуқтаи назардан, мавжуд материалларни батафсил таҳлил қилиш зарур, бу углеводородлар захираларини кўпайтиришга қаратилган нефтгаз соҳаси муаммоларини ҳал қилиш имконини беради.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «ИГИРНИГМ» ДМ илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 561-16Т «Сечанкўл, Оқжар, Чимбай, Акчалак ва Чандир инвестицион блокларида геологик қидирув ишларини ўтказиш дастурларини ишлаб чиқиш» (2016); 20-20 ГКГ «Бухоро-Хива минтақасида карбонатлар формацияси жинсларининг

структурали-текстурали нотекислиги уларнинг петрофизик хусусиятларига таъсир этиши ҳамда углеводородларни қидириш учун истиқболли бўлган зоналарни ажратиш» (2022); 47-21 УНГ «Углеводородларнинг хом ашё базасини ошириш мақсадида, Шуртан зонаси доирасида жойлашган истиқболли тузилмаларда геологик қидирув ишларини ўтказишни асослаш» (2022) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро-Хива региони нефтгазли юра карбонат формацияси жинслари структуравий-текстуравий хусусиятлари, генезиси, моддий таркиби ва қайта шаклланишининг петрофизик хусусиятларга таъсири орқали углеводород тўпланишига истиқболли зоналарини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нефтгазли юра карбонат формацияси жинсларининг моддий таркибини ўрганиш орқали уларнинг генетик турлари, петрорангбаранглиги Бухоро-Хива регионининг айрим ҳудудларида тарқалганлигини ўрганиш;

кудукларнинг геофизик тадқиқотлари бўйича қатлам-коллекторларнинг мавжудлигини ва карбонат жинсларининг маълум петрорангбаранглигига боғлиқлигини аниқлаш;

керн бўйича юра карбонат жинсларининг седиментациядан сўнги жараёнлар натижасида қайта шаклланиш даражасини ва уларнинг коллекторлик хусусиятларига таъсирини ўрганиш;

керн материаллари ва кудукларнинг геофизик тадқиқотлари маълумотлари асосида қатлам-коллекторларнинг тарқалиши бўйича юра карбонат формацияси кесимларининг тоифаланишини аниқлаш;

нефть ва газ уюмларини қидириш учун объектларни аниқлаш мақсадида юра даври нефтгазли карбонат формацияси жинсларининг седиментациядан сўнги жараёнлари ва структуравий-текстуравий хилма-хиллигининг петрофизик хусусиятларга таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро-Хива региони юра карбонат формацияси жинслари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Бухоро-Хива региони юра даври карбонат формацияси ётқизиклари петрофизик (филтрацион-сигимли хусусияти) хусусиятларининг нотекис моддий таркиби ва седиментациядан сўнги шаклланиш жараёнлар таъсирида ўзгарганлигидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда кудукларни петрографик, литолого-физик, физик-кимёвий, рентген-дифрактометрик, геофизик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Бухоро-Хива регионининг бешта майдони доирасида юра даври нефтгазли карбонатли жинсларининг генетик турлари ва уларнинг петрорангбаранглик тарқалиш қонуниятлари аниқланган;

юра карбонат формацияси жинсларининг седиментациядан сўнги жараёнлар таъсирида ўзгарганлиги (керн бўйича) ва улар таъсири остида жинсларнинг фильтрация-сигим хусусиятлари яхшиланганлиги аниқланган;

ГИС бўйича юра карбонат кесмалари қатлам-коллекторларининг тарқалганлиги ва уларнинг маълум бир карбонатли жинслар петрохилма-хил турлари билан боғлиқлиги исботланган;

ГИС ва керн материаллари бўйича қатлам-коллекторлар ғовақлигининг энг юқори қийматлари сезиларли структуравий-текстуравий нотекисликка эга бўлган нефтгазли юра карбонат ётқизикларининг биоген ва дондор генетик турларига тўғри келиши исботланган;

Бухоро-Хива региони юра карбонатли жинслар мажмуасида нефть ва газ тўпламларини излаш учун истиқболли зоналар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юра карбонат жинсларининг ўзгариш даражасини ҳисобга олган ҳолда қудуқларнинг геофизик тадқиқотлари ва керн бўйича петрографик белгилари, фильтрацион-сифимли хусусиятлари бўйича асосланган нефтгазга истиқболли зоналарнинг схематик харитаси ишлаб чиқилган;

геокимёвий, газоконденсат ва масофавий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланган ҳолда бурғилашга тайёрлаш учун нефть-газга истиқболли бўлган тузилмаларни аниқлаган ҳолда истиқболли зоналар ажратилган;

Бухоро-Хива минтақасидаги карбонатли жинслари кесмалари бўйича қайта тайёрланаётган структураларда уйқаш (аналог) объектлар сифатида фойдаланиш учун генетик турлар ажратилган;

Бухоро-Хива региони бўйича юра карбонат формацияси жинсларининг асосий генетик типлари билан устунлик қилувчи участкаларининг схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги нефтгазли карбонат жинсларини комплекс ўрганиш натижалари бўйича 2126 та намуна, 125 та қудуқ, 75 та майдон ва қудуқларни геофизик ўрганиш натижаларига кура 44 та майдон, 51 та қудуқ ҳамда 74 та майдон ва 98 та қудуқ бўйича керннинг фильтрация-сифим хусусиятларини ўрганишга асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юра карбонат жинсларининг учта генетик турлари аниқланганлиги билан изоҳланади: биоген+биохемотрен, бўлакли, хемотрен. Юра карбонат жинсларининг биоген ва дондор генетик турлари юқори структуравий-текстуравий хилма-хилликка эга, чўкиндидан кейинги ўзгаришларга кўпроқ мойил бўлиб, коллектор қатламларининг асосий сони улар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефть ва газ йиғилган жойларни излашда уларга истиқболли бўлган, янги аниқланган маҳаллий объектларни геологик қидирув жараёнига жалб қилиш учун Бухоро-Хива региони юра карбонат формацияси ётқизикларидаги истиқболли зоналар харитасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро-Хива региони юра даври карбонат формацияси нефтгазли жинсларининг петрофизик хусусиятларига уларнинг тузилма-текстуравий хилма хиллиги ва

ўзгарувчанлигининг таъсирини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бургутли, Жанубий Чавата, Халқобод, Янги Нишон аниқланган структураларни тайёрлаш бўйича тавсиялар "Ўзбекгеофизика" АЖда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024 йил 2 июлдаги 08-2331-сон маълумотномаси). Натижада, аниқланган Бургутли (Барханли) тузилма Қозокбулоқ деб қайта номланиб, S_3 тоифаси бўйича истиқболли ресурслар (5830 млн. т.ш.ё) билан бурғилашга тайёрлаш имконини берган;

Бухоро поғонасининг марказий қисми Когон кўтарилмасининг жанубий тугашидаги Зирабод конидан то аниқланган Янги Зекри майдонигача МОГТ-3Д сейсмик-қидирув ишларини олиб боришни асослаш бўйича тавсиянома "Ўзбекгеофизика" АЖда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024 йил 2 июлдаги 08-2331-сон маълумотномаси). Натижада, МОГТ-2Д сейсмик-қидирув ишларини олиб бориш жараёнида S_3 тоифасидаги истиқболли ресурслари 4815 млн. т.ш.ё. бўлган Янги Чуқуркўл тузилмани бурғилашга тайёрлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 2 таси монография, 7 таси илмий мақолалар ҳисобланади, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилишга тавсия этилган республика даражасидаги журналларда 5 та мақола ва чет эл журналларида 2 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, расмлар, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблигини асосланади ва тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгиланади. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиши, чоп этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Юра ёшидаги нефт-газли карбонат формацияси ётқизикларининг ўрганилганлиги ва унинг геологик тузилишининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида Бухоро-Хива нефт-газли минтақасининг карбонат формацияси (КФ) геологик, геофизикавий ва бурғилаш жиҳатидан ўрганилганлиги таҳлилининг натижалари, ҳамда унинг геологик

тузилиши, литологик-стратиграфик хусусиятлари, тектоникаси ва нефт-газлилиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Юра ёшидаги карбонатлар формацияси жинсларининг геологик тузилиши, литологик таркиби, ётқизиклар тўпланишининг фациал шартларининг тадқиқотлари, кесмаларни турларган ажратиш бўйича изланишлар кўпгина тадқиқотчилар томонидан ўтказилган, уларнинг ичида Е.М. Абетов, Г.С.Абдуллаев, А.М. Акрамходжаев, М.Х. Арифджанов, П.У. Ахмедов, А.Г.Бабаев, В.И. Вето, К.А. Грудкин, Ш.Н. Дусмухамедов, Г.Б. Евсеева, А.Г.Ибрагимов, З.С. Ибрагимов, В.Д. Ильин, Ф.П. Корсаков, В.В. Курбатов, И.В. Кушников, М.Г. Лувишис, Х.Х. Миркамалов, А.Н. Симоненко, В.И. Троицкий, З.С. Убайходжаева, Д.И. Хейфец, С.Т. Хусанов, М.Э. Эгамбердиев, ва бошқа кўплаб олимларни қайд этиш мумкин. Карбонат формацияси жинсларининг нефт-газлилигини ўрганиш учун доимо уларнинг моддий таркибини, генетик ва структурали хусусиятларини ўрганиш ишлари амалга оширилган.

Ўрганилган ҳудудда геофизик тадқиқотлар режали асосда олиб борилган, биринчи босқичда ҳудудий, кейин излаш ишлари, шу жумладан магниторазведка, гравиразведка, электроразведка ва сейсмик тадқиқотлар бажарилган. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар бажариш мобайнида муаллиф томонидан қудуқлардаги геофизик тадқиқотлари маълумотлари кенг фойдаланилган.

1956 йилдан то ҳозирги вақтгача минтақа ҳудудида 2502 та параметрик, излов ва қидирув қудуқлари бурғиланган, улардан 127 таси – параметрик, 2375 таси – излов-қидирув қудуқлари. Бухоро-Хива минтақаси умумий майдони деярли 50000 км² бўлиб, бурғилаб ўрганиш зичлиги бир қудуққа 20 км² ёки бир км² га – 0,05 та қудуқ тўғри келади. Бу қийматлар ҳудуд бўйича ўртача ҳисобланади.

Ўрганиладиган минтақанинг геологик тузилишида юрагача бўлган комплекс жинслари ва мезозой-кайнозой ётқизиклари иштирок этади.

Мақсадли объект бўлган карбонат формацияси ётқизиклари, ўрта юра ёшидаги ўрта, юқори келловей яруси ва юқори юра ёшидаги оксфорд-кимерия яруси ҳажмида ажралиб туради ва БХР ҳудудидаги асосий маҳсулдор комплекс ҳисобланади. Карбонат формацияси кесимида иккита секция аниқ ажралиб туради, улар ўртасидаги чегара кон-геофизик тадқиқотлар натижалари, бурғилаш тезликлари, механик каротаж маълумотлари ва бошқалар бўйича узи-кесил аниқ белгиланади. Ушбу формация кесмасидаги қуйи секция, бир стратиграфик сатҳга мос келувчи ягона секция бўлиб, асосан, нефт-газ ярата олувчи жинсларнинг барча белгиларига эга бўлган, майда кристалли тўқ кул ранг, қора тусли оҳактошлардан таркиб топган. Формация кесмаларининг юқори секциялари учун биоген, органоген-бўлакчи, бўлакчи, детритли карбонат жинслари устувор бўлиши хос бўлиб, уларда фойдали сифими ва ўтказувчанлиги юқори бўлган қатламларнинг мутлақ кўпчилиги тўпланган.

Ўрганилаётган ҳудуд Амударё синеклизасининг шимоли-шарқий бортида жойлашган, у эса эпигерцин Турон платформасининг энг йирик тектоник элементларидан бири деб ҳисобланади. Бу ҳудуд поғонасимон тузилишга эга

бўлиб, пароград бўлинишлар билан Бухоро ва Чоржўй поғоналарига ажратилган, ўз навбатида, уларда кичикроқ даражадаги тектоник элементлар: кўтарилмалар ва эгилмалар ажратилади. Бухоро тектоник поғонаси алоҳида йирик кўтарилмалар ва эгилмалар билан мураккаблашган - Мешекли, Янгиказган, Газли, Когон, Муборак ва Тошли кўтарилмалари, улар бир-биридан Дашкали, Тузкой, Ромитан, Ямбаши, Пўлоти-Кўкдала ва Қашқадарё эгилмалари билан ажратиладилар. Чоржўй поғонаси худудида шунингдек Питняк, Гугуртли-Учқир, Қандим, Испанли-Чандир, Денгизкўл ва Култоқ кўтарилмалари, Биргутли-Шортакли, Қоракўл, Кушоб ва Бешкент эгилмалари ажралиб туради. Шунини қайд этиш лозимки, чўкинди қопламанинг структуравий режаси палеозой ёшидаги асоснинг структурасини тўлиғича мерос қилиб олган, бу эса ҳам юрадан аввалги юзалар бўйлаб, ҳам мезозойнинг платформали бўлинмалари бўйлаб юзага келган структуралар билан исботланади.

Бухоро-Хива минтақаси ўтган асрнинг 50-йилларидан бери ҳам углеводород хом ашёсини қазиб олиш бўйича, ҳам уларнинг захиралари йиллик ўсиши бўйича асосий минтақа ҳисобланади. 01.01.2024 йилдаги ҳолатига кўра Бухоро-Хива минтақасида 228 та нефт ва газ конлари кашф этилган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат балансида уларнинг умумий сонидан 211 та кон туради, бунинг сабаби шуки, ҳимоя қилинган углеводородлар захираларини ҳисоблаш бўйича 30 та кон ЗМК (ЦКЗ) ва ДЗК (ГКЗ) да бирлаштирилган. Улардан 48 та кон Бухоро поғонасида ва 163 таси Чоржўй поғонасида жойлашган. Конлар асосан карбонат формацияси жинсларида 192 та аниқланган бўлиб, бўр ётқизикларида – 33 та, терриген ётқизикларда - 29 та аниқланган. Бу минтақада углеводород хом ашёси захираларини оширишнинг кейинги истиқболлари карбонатлар формацияси ётқизиклари билан боғлиқ, ГҚИ ишларини олиб бориш учун устувор ҳудудлар – Чоржўй поғонасининг ғарбий томони, Бешкент эгилмаси ва Когон кўтарилмасининг жанубий қисмидир.

Диссертациянинг «**Нефт-газли карбонат формацияси жинслари моддий таркибининг комплекс тадқиқотлари натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш**» деб номланган иккинчи бобида Бухоро-Хива минтақаси бўйича 75 та майдонда бурғиланган 125 қудуқларда очилган нефт-газли карбонат формацияси кесмаларидан олинган 2126 та намуналарнинг комплекс тадқиқотлари натижалари кўриб чиқилган.

Олиб борилган изланишлар натижасида БХР худуди бешта районга бўлинган, уларнинг ҳар бирида карбонат формацияси жинсларининг генетик турлари ва уларнинг петрохилма-хил турлари ажратилган, бу мезонлар бўйича кесмалар таснифи ишлаб чиқилган ва қуйидагилар: БХР нинг шимоли-ғарбий қисми Янгиказган ва Гугуртли-Учқир кўтарилмалари ҳамда Тузкой, Биргутли-Шортакли ва Боймурод эгилмалари ҳудудлари чегарасида, Бухоро поғонасининг марказий қисми Когон кўтарилмаси худудида, Чоржўй поғонасининг марказий қисми, Испанли-Чандир, Денгизкўл ва Култоқ кўтарилмалари ҳудудларида, Бухоро поғонасининг жануби-шарқий қисми, Муборак ва Тошли кўтарилмалари доирасида, Чоржўй поғонасининг жануби-шарқий қисми Бешкент эгилмаси ҳудудлари чегарасида ажратилган.

Тоғ жинсларининг учта асосий генетик тури ажратилган: биоген + биохемотроп, бўлакчи ва хемотроп турлари. Ётқизикларнинг петрохилма-хиллик

турлари асосий таркибий фрагментлари бўйича аниқланган: кумоқлар, қуюқ бўлақлар, органик қолдиқлар бўлақлари, сувўтлар, онколитлар, оолитлар, детритус (детрит) ва бошқалар.

Бухоро-Хива минтақасининг шимоли-ғарбий районида 19 та майдондаги 24 та қудуқдан олинган 218 та намуна таҳлил қилинган. Учта генетик турдаги 28 та петрофизик турлар ажратилган. Уларнинг тақсимотини таҳлил қилиш жинслар кесимларида генетик турлари бўйича биоген + биохемотрген келиб чиқишдаги жинслар устувор эканлигидан далолат беради, улар барча намуналардан 89 тасини (40,8%) ташкил қилади; хемотрген турда 73 та намуна (33,5%) ва бўлақли турда 56 та намуна (25%) мавжуд. Биоген турда микрозаррали-қуюқ бўлақли, кумоқли-қуюқ бўлақли ва кумоқли-сувўтли петрофизик турлари энг кўп учрайди. Бўлақли генетик турда детритли-бўлақли ва кумоқли-бўлақли петрофизик турлар мавжуд, хемотрген генетик турида доломитлар, афанитли ва микрозаррали петрофизик турлари асосий ўрин эгаллайди. Бу ҳудуд кесимида ушбу жинслар петрофизик турлари билан боғлиқ бўлган қуйидаги саноат миқдоридаги газ қазиб олиш горизонтлари ажратилади: XV- 1, XV-2 (Ғарбий Хакқўл,2); XV-2, XV-3, XV-а, XVI (Дояхотин,10); XV-1, XV-2, XV-3 (Миркомилқудуқ,4).

Бухоро поғонасининг марказий районида 9 та майдондаги 15 та қудуқдан олинган 571 та намуна таҳлил қилинган, улар XV, XVa, XVI маҳсулдор горизонтларидаги ётқирикларда 40 та петрохилма-хил турлардан иборат. Бу ерда хемотрген генетик тури устуворлик қилади – 303 та намуна (53,1%), биоген +биохемотрген тури 141 та намунада (24,7%), бўлақли тури – 127 та намунада (22,2%) ўрганилган. Хемотрген генетик турида оолитли, бўлақли-оолитли, детритли-оолитли, сувўтли-оолитли (111 та намуна), афанитли, микрозаррали петрохилма-хиллик ва доломит устувор бўлади; биоген+биохемотрген генетик турида кумоқли-қуюқ бўлақли, қуюқ бўлақли-кумоқли, микрокумоқли карбонатжинслари турлари мавжуд, кумоқли турида бўлақли, детрит-кумоқли ва оолитли-бўлақли карбонат турлари ажратилади. Бу жинсларнинг шаклланиши доимий ҳаракатчан муҳит шароитида ўтгани сабабли, оҳактошларнинг оолитли ва бўлақли турлари кўплиги ҳам шу билан изоҳланади.

Чоржўй поғонасининг марказий районида 18 та майдондаги 30 та қудуқдан олиб таҳлил қилинган 387 та намунада 31 та карбонат жинслари турлари аниқланган. Биоген+биохемотрген генетик тури улушига 190 та намуна (49,1%), бўлақли генетик турига – 125 та намуна (32,3%), хемотрген турига – 72 та намуна (18,6%) тўғри келади. Биоген генетик турида сувўтли, кумоқли-сувўтли, кумоқли-қуйқа бўлақли, кумоқли-онколитли ва қуйқа бўлақли-кумоқли жинслар турлари устувор бўлиб, улар XV-HP, XV-P, XV, XV-HP, XVa маҳсулдор горизонтлари билан боғлиқдир. Карбонат жинслар турларининг бундай тақсимоти, қаралаётган ҳудудларда карбонатлар формацияси жамланиши даврида органик оламнинг гуллаб-яшнаши учун мақбул фақил шароит мавжуд бўлгани билан изоҳланади, бу шароит қазилма органик қолдиқлар билан бойиган чўкиндилар йиғилишига ёрдам берган.

Бухоро поғонасининг жануби-шарқий ҳудудида 9 та майдондаги 13 та қудуқдан 213 та карбонат жинслар намуналари олиб таҳлил қилиниб, жинсларнинг учта генетик тури ва 36 та петрохилма-хил турлари ажратилган. Бу

худуддаги кесмаларда бўлакли генетик тур устувор бўлган - 84 та намуна (34,4%), улар Чувама майдонида, 3,4-кудук, (XV-P) ва Истиклол-25,1 (XV-1a) майдонида детрит-бўлакли, Шимолий Тошли,3, Куштекчи,1(XVa) майдонларида бўлакли ва Муродота,1 (XV) майдонида сувўтли-бўлакли карбонат ётқизиқлари турларидан иборат. Биоген+биохемотренетик турида карбонат жинслар 67 та намунада (31,5%) бўлиб, уларнинг ичида қумоқли-сувўтли ва қумоқли турлари устувор бўлади, улар Истиклол-25,1(XV-1a) ва Муродота,1 майдонларида ўрганилган. Хемотренетик тури - 62 та намуна (29,1%) Муродота,1 (XVa), Истиклол-25,1(XV-1a) ва Шимолий Тошли,3 майдонларида ажратилган афанитли, микроструалли ва майда струалли турларидан иборат.

Чоржуй поғонасининг жануби-шарқий районида 22 та майдондаги 43 та кудукда олинган 737 та карбонат жинслари намунаси таҳлил қилинганда, уларнинг орасида учта генетик тур, 29 та петрохилма-хиллик ажратиб кўрсатилган. Карбонатлар формацияси кесмаларида бўлакли генетик тури устуворлиги қайд этилган – намуналарнинг умумий сонидан 295 та намунада (40,0%), хемоген генетик тури – 237 та намунада (32,2%) ва биоген+биохемоген тури – 205 та намунада (27,8%) намоён бўлган. Бўлакли генетик турида Авазчўл, 1,2 (XV) майдонида сувўтли-детритли, Тўртсари, 6, 7 (XV, XV-HP, XV-P, XV-PP) майдонида органоген-бўлакли, Авазчўл, 1 (XV), Камар, 1 ва Ойдин, 3 (XVa) майдонларида детритли турларининг устуворли аниқланган. Хемоген генетик турининг тақсимоотида Рубойи, 4 (XVI), Тўртсари, 7 (XV), Тўртсари, 6 (XV-HP, XV-P, XV-PP), Намозбой, 2 (XV), Мирмирон, 1 (XV-HP) майдонларида ўрганилган афанитли турлари (199 та намуна) устуворлиги қайд этилган. Биоген + биохемоген генетик турининг тақсимоотида Наистон, 1 (XVa) майдонида детрит-сувўтли, Ахирбулок, 1 (XV-HP) майдонида детрит-кумокли, Тўртсари, 6 (XV-PP) майдонида кумокли-сувўтли карбонат турлари устувор бўлган.

Ушбу минтақа ҳудудида карбонатли жинсларнинг генетик турларини таснифлашда БХР нинг шимоли-ғарбий ҳудудида ва Чоржўй поғонасининг марказий қисмида карбонатли жинсларнинг биоген+биохеоген генетик тури, Бухоро ва Чоржўй поғоналарининг жануби-шарқий районида бўлакли генетик турининг устувор эканлиги қайд этилган; Бухоро поғонасининг марказий ҳудудида хеоген генетик тури устуворлиги аниқланган. Агар бу генетик турларини намуналар сонига кўра таққосласак, биоген + биохеоген тури ва бўлакли тури тахминан тенг қийматларга эга – 32,5% ва 32,3%, хеоген тури сал кўпроқ – 35,2%. Бунда, биринчи иккита генетик тури кўпроқ структуралитекстурали нотекислигига эга бўлади, чунки бу жинслар таркибида, асосий таркибий қисмларидан ташқари, карбонатли жинсларнинг умумий кўринишини белгилаб берадиган бошқа кўп фрагментлар – қазилма органик қолдиқлар, оолитлар, кумоқлар, қуйқали бўлақлар, карбонатли жинслар синиқлари, терриген аралашмалар ва шу кабилар ҳам бор.

Юқоридаги маълумотларни умумлаштиришда, карбонатли формация таркиб топган жинсларнинг моддий таркиби қанчалик хилма-хил эканлиги ҳақида ҳулоса қилиш мумкин, бу эса коллектор жинсларнинг фильтрация-сифимли хусусиятларига катта таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг «Қудукларнинг геофизикавий тадқиқотлари бўйича карбонатли жинсларнинг генетик турлари ва петрохилма-хиллиги ҳамда

уларнинг коллекторлик хусусиятлари ўртасида боғлиқликни аниқлаш» деб номланган учинчи бобида БХР нинг барча ўрганилган ҳудудлари бўйлаб кудукларнинг геофизик тадқиқотлари натижалари таҳлил қилинган, кернларни олиш интервалларига мос бўлган коллекторлар интервалларини танлаб олинган ҳамда карбонатли жинслар коллектор қатламларининг маълум генетик турларига ва петрохилма-хиллигига боғлиқлиги аниқланган.

Бухоро-Хива минтақасининг бешта районлари бўйича ушбу тадқиқотлар натижалари карбонатлар формацияси жинсларини коллекторлик хусусиятлари бўйича таснифлаш имконини берган – ҚГТ бўйича 257 та интервалларда ғоваклик қийматлари ўрганилган ҳудуддаги карбонатли жинсларнинг маълум генетик турларига боғлиқ бўлган. Уларнинг асосий улуши – 103 та интервалда карбонатли жинсларнинг биринчи, яъни биоген+биохеоген генетик турига тўғри келади. БХР нинг шимоли-ғарбий қисмидаги ва Чоржўй поғонасининг марказий қисмидаги, Миркомилкудук, 2,4; Муродтепа,3,4; Тўмарис, 2; Ғарбий Хаққул, 2; Достон, 5; Ғарбий Сабо, 8; Янги Маржон,1; Янги Алан, 8 майдонларида жинсларда ғовакликнинг энг юқори қийматлари қайд этилган, улар 22,87% дан 10,38% гача бўлган. Бу генетик турдаги петрохилма-хиллик турлари микрокумли, қуйқа бўлакли-кумли, кумкли-қуйқа бўлакли, кумкли-сувўтли, биоморф, қуйқа бўлакли-сувўтли оҳактошлардан иборат.

Карбонатли жинсларнинг ғоваклилик қийматлари тақсимотига кўра иккинчи генетик тури – бўлакли тури бўлиб, 81 та интервалда бутун минтақа бўйлаб деярли бир текисда мавжудлиги аниқланган. Бухоро ва Чоржўй поғоналарининг жануби-шарқий районларида Оқжайрон, 1; Чувама, 2; Муродота, 1; Ахирбулоқ, 2; Қоратепа, 2; Намозбой, 3 майдонларида ғоваклиликнинг энг катта қиймати 10,45% дан 21,14% гача ораликда қайд этилган. Бунда органоген-детритли, органоген-бўлакли, оолитли-бўлакли ва бошқа петрохилма-хил турлари учун ғовакликнинг юқори қийматлари хос бўлади.

ҚГТ бўйича ғоваклилик қийматлари тақсимотига кўра учинчи генетик тури 73 та интервалда карбонатли жинсларнинг хеоген генетик тури бўлган. Ғоваклик қийматларининг энг кўп сони Бухоро поғонаси марказий районида – 21та ва Бухоро-Хива минтақаси шимоли-ғарбий районида - 26та қайд этилган. Ёркин,4,5; Ғарбий Хакқул,2; Тўмарис,2; Шарчашма,1; Когон,1; Ўртаараб майдонларида ғоваклик қийматларининг энг йирик кўрсаткичлари қайд этилган. Бу ердаги жинслар микрозаррали, афанитли, майда заррали, оолитли оҳактош ва доломитлардан иборат.

ҚГТ натижалари шундан далолат берадики, асосан, биоген+ биохеоген ва бўлакли генетик турдаги, структурали-текстурали нотекислиги бўлган карбонатли жинслар энг яхши фильтрациявий-сиғимли хусусиятларига эга бўлади, чунки бу жинслар гидротермал эритмалар таъсири ва ёриқлар пайдо бўлиши натижасида ўзгариш – ишқорлашиш, метасоматоз жараёнларига учрайди, лекин жинсларнинг хеоген генетик турларида ҳам ғоваклигининг юқори қийматлари қайд этилади.

Диссертациянинг «Юра ёшидаги нефт-газли карбонат формацияси жинсларининг фильтрация-сиғимли хусусиятларига структурали-текстурали хилма-хиллик ва постседиментация ўзгаришлари натижалари

таъсирини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида карбонатли жинсларнинг постседиментация жараёнлари билан ўзгариши юзасидан комплекс тадқиқотлари таҳлили натижалари баён этилган.

Карбонатлар формациясининг сиғим хилма-хиллиги, хусусан, унинг кесмаларида юқори ғовакли зоналар бўлиши, кўпроқ даражада, бирламчи ғоваклилигига постседиментация жараёнларининг таъсирига асосан содир бўлади, бу ғоваклик жинсларнинг таркиби, уларнинг структурали ва текстурали хусусиятлари, ҳамда кенг кўламдаги дарз кетиш билан кечадиган бўлиниш жойларига яқин бўлган зоналарда жинслар майдаланиши билан белгиланиб берилади. Карбонат жинсларнинг сульфатлашув, пиритлашув, силикатлашув шаклидаги постседиментация ўзгаришлари уларнинг коллекторлик хусусиятларига бевосита ёки билвосита таъсир этади, ғовакларни ва дарзларни «бошқа минраллар билан тўлиши натижасида ғоваклилигини ва ўтказувчанлигини камайтиради, қайта кристаллашув, доломитлашув, эриш ва ишқорлашиш эса карбонат жинсларининг ғоваклилигини оширади. Қайта кристаллашув, айниқса «пойкиллит» (йирик кристалли кристаллар) ҳосил бўлган ҳолда, карбонат жинсларининг мўртлигини оширади, бу эса уларнинг майдаланишига ва ғовак маконининг фойдали ҳажми ортишига олиб келади. Эриш ва карбонат материалининг олиб чиқилиши кўпроқ дизъюнктив дислокация зоналарида юз беради.

Карбонат жинсларининг ўзгаришини тадқиқ этиш натижаларига кўра Бухоро-Хива минтақасининг барча ҳудудлари бўйича карбонат жинсларининг генетик турларига кўра керн бўйича ғоваклилик қийматлари тақсимооти аниқланди. Керн бўйича ғоваклилик ва ўтказувчанлик таҳлиллари асосида муаллиф барча ҳудудлар бўйича 7-10%; 10-20%, 20% дан ортиқ диапазонларда ғоваклик қийматлари танловини амалга ошириш, ва бу ердаги 79 та интервалдан 43 та интервалда Бухоро ва Чоржўй поғоналарининг жануби-шарқий ҳудудлари ва Чоржўй поғонасининг марказий ҳудудига билан боғлиқ бўлган бўлакли генетик туридаги карбонат жинсларига тааллуқлилиги қайд этилганлигини аниқлаш имконига эга бўлди.

Керн бўйича ва ҚГТ бўйича ғоваклилик қийматларининг тақсимланиши ўзаро таққослаганда, ҚГТ маълумотлари бўйича жинсларнинг фильтрация-сиғимли хусусиятлари ҳақидаги маълумот, керн бўйича йиғилган маълумотга қараганда кўпроқ эканлиги кўриниб турибди, лекин бунда Бухоро ва Чоржўй поғоналарининг жануби-шарқий қисмлари ва Чоржўй поғонасининг марказий қисми борасида маълумотлар ўхшаш эканлиги қайд этилади, бу эса ҚГТ бўйича ва керн бўйича карбонат жинсларининг бўлакли генетик турининг устувор бўлиши билан изоҳланади.

Шундай қилиб, ғовакли ва мураккаб коллекторлар кенг ривожланишига жинслардаги постседиментация ўзгаришлар ва структурали-текстурали хилма-хиллик кўмаклашган, бу нотекиклик карбонатлар формацияси жинсларининг кесимида уларнинг биоген, хемоген ва бўлакли генетик турлари ўзаро кетма-кет қат-қат ётиши шаклида ифодаланади.

Карбонат формацияси жинсларининг моддий таркиби хусусиятлари, уларнинг ғовакли сиғими, коваклиги ва ўтказувчанлиги ўртасидаги тўғридан-

тўғри боғланишни аниқлашга уриниш, уларнинг коллекторлик хусусиятларини самарали башоратлаш учун етарли бўлган натижаларга олиб келмаган. Карбонат формацияси жинсларининг структурали-текстурали хилма-хиллиги ва постседиментация ўзгаришларини ўрганиш услубиёти анча кўпроқ натижаларни беради, чунки у ҳозирнинг ўзида дизъюнктив дислокациялар яқинида ва мураккаб структурали-текстурали хилма-хил участкаларида юқори ғовакли зоналар ривожланишини башорат қилиш имконини берди.

Бажарилган тадқиқотлар муаллифга Бухоро-Хива минтақасида углеводородлар йиғилган жойларини излаш учун объектларни аниқлаш учун истиқболли зоналарни ажратиб кўрсатиш имконини берди.

Бухоро-Хива минтақасининг шимоли-ғарбий ҳудудида Бухоро поғонасида Миройдин ва Ёркин майдони ҳудудидаги илк зона аниқланган. Чоржўй поғонасида Тўмарис кони ҳудудида ҳамда Миркомилқудук майдонидан Муродтепа майдонигача чўзилган участкада ҳам зоналар ажратилган. Карбонат формацияси кесмаларида структурали-текстурали хилма-хилликка эга бўлган бўлакли генетик турига мансуб жинслар билан биргаликда, биоген + биохемотрген жинслар турининг устувор бўлиши ҳамда юқори ғовакли коллектор қатламлар тарқалганлиги ушбу зоналарнинг ажратилишига асос бўлади. Бундан ташқари, геокимёвий тадқиқотларига кўра, бу ҳудудда органик моддаларнинг юқори миқдори $>0,5\%$ ва юқори ғоваклилик, шунингдек масофавий тадқиқотларига мураккаб коллекторларнинг шаклланишига кўмаклашган.

Бухоро поғонасининг марказий босқичида Зиробод майдонидан то бурғилашдан чиқарилган Камарқудук майдонигача бўлган истиқболли зона ажратилган. Бу зона учун хемотрген генетик туридаги – оолитли петрофизик турларига мансуб оҳактошлар устуворлиги хос бўлади, улар структурали-текстурали хилма-хиллик ва юқори ғоваклигига эга, фильтрация-сигимли хусусиятлари яхшиланишига олиб келувчи доломитлашув мавжуд бўлиб, баъзи участкаларда терригенлар аралашмалари билан бойитилган. Бундан ташқари, бу зонада мавжуд бўлган бурғилашга тайёрланган, аниқланган ва бурғилашдан чиқарилган тузилмалар бурғилашга киритилганда Ўзбекистон Республикасининг хом ашёси базасининг ортишига кўмаклашади.

Чоржўй поғонасининг марказий қисмида Талдиқудук майдонидан Матонат конигача бўлган ҳудудда, Супали кони - Янги Маржон майдони ҳудудида, Ғарбий Сабо кони ҳудудида истиқболли зоналар ажратиб кўрсатилган. Бу зоналар литологик-петрографик тадқиқотларга кўра карбонат жинсларининг биоген+биохемотрген ва бўлакли генетик турлари устувор бўлиши, юқори структурали-текстурали хилма-хиллик, ҚГТ ва керн бўйича юқори ғоваклик қийматларига эгаллиги билан ажралиб туради. Барча қудуқлар карбонат кесмаларида дарзланиш қайд этилади.

Масофавий тадқиқотлар, шунингдек геокимёвий таҳлиллар натижаларига кўра, депрессиявий зонада ўрта ва юқори юра ёшидаги жинслар нефт ярата олувчи хусусиятига эга бўлади, ҳамда асосан сапропел туридаги органик моддаларнинг кларк миқдори ҳамда юқори даражадаги битумлилиги билан ажралиб туради. Баён этилганларнинг маълумотлар ушбу зоналарнинг истиқболли эканлигидан далолат беради.

Бухоро поғонасининг жануби-шарқий қисмида, Чувама кони ҳудудида бурғилашдан чиқарилган Окжайрон майдонигача ва Муродота майдони ҳудудида истиқболли зоналар ажратилди. Литологик-петрографик тадқиқотларга кўра, бу зоналарда юқори структурали-текстурали хилма-хиллик, ҚГТ бўйича ғоваклилигининг юқори қийматларига эга бўлган карбонат жинсларининг бўлакли ва биоген+биохеоген, дарзланиш кучли генетик турлари устувор бўлади.

Геокимёвий тадқиқотларга кўра бу ҳудудда Ходжихайрам, Шимолий Майманак, Чувама ва Муродота майдонларида карбонат жинсларида $C_{орг.}$ нинг юқори қийматлари қайд этилади, бутун ҳудуд бўйлаб битумоидлар ва микробитум кўринишлари кўп миқдорда, саноат концентрацияси даражасигача қайд этилади. Бу эса, ушбу зонанинг углеводородлар йиғилган жойларини аниқлаш юзасидан юқори истиқболлари борлигини билдиради.

Чоржўй поғонасининг жануби-шарқий қисми доирасида Чилқувар, Мирмирон, Файзли, Ахирбулоқ, Топичаксой конлари ҳудудида бир нечта зоналар ажратилган. Литологик-петрографик тадқиқотларга кўра, карбонат формацияси кесмаларида жинсларнинг бўлакли ва хеоген генетик турлари устувор. ҚГТ ва керн бўйича юқори ғоваклилик қийматларига хилма-хил структурали-текстурали бўлакли ва биоген+биохеоген генетик турига мансуб жинслар эга бўлади.

Бешкент эгилмасининг ҳудуди ҳозирги пайтда Бухоро-Хива минтақаси доирасида энг истиқболли ҳудудлардандир. Шимоли-шарқий томонга чўзилган узилмалар зоналаридаги янги геологик-геофизик маълумотлар асосида аниқланган ва тайёрланган барча структуралар тадқиқотчиларга қатламлар бир-бирининг устига сурилиши ва тагига сурилиши натижасида ҳосил бўлиши ҳақида ҳулоса қилишга олиб келади. Бундай структураларда кон уюмлари тектоник экранлашув ёрдамида вужудга келади.

Газ-конденсатлик тадқиқотларга кўра, ушбу ҳудудда нефт конларини аниқлаш учун энг оптимал башоратли излов зоналари – Бешкент эгилмасининг марказий қисмида тарқалган, конденсатнинг юқори концентрацияларидан то унинг ноёб даражада юқори миқдори бўлган зоналар ҳисобланади.

ХУЛОСА

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ишининг асосий илмий ва амалий натижалари асосида қуйидаги ҳулосалар қилинган:

1. Бухоро-Хива минтақасининг юра карбонат формациясида кесманинг петрографик хар хиллиги унинг энг муҳим хусусиятларидан бири сифатида аниқланди, бу вертикал ва ёнлама кесмаларда ифодаланган бўлиб, унинг асосида генетик турлар ва уларнинг петрорангбарангликларини турлаштириш амалга оширилди.

2. Карбонатли жинсларнинг учта генетик тури ажратилган: биоген+биохеоген, бўлакли ва хеоген. Карбонатли тоғ жинсларининг биоген + биохеоген генетик турининг устунлиги аниқланди, бу биоген ва органоген-бўлакли, бўлакли, детритусли петрорангбарангликларнинг устунлиги билан ажралиб туради, улар ўз навбатида юқори фойдали сиғимга (28%-16,5% гача) ва

89x103 мкм² гача бўлган турли хил ўтказувчанликка эга Бухоро-Хива минтақасининг шимоли-ғарбий ҳудудида (40%), Чоржўй поғонасининг марказий ҳудудида (49,1%).

3. Карбонат жинсларнинг бўлакли генетик тури Бухоро (39,4%) ва Чоржўй (40,0%) поғоналарининг жануби-шарқий ҳудудларида, хемоген генетик тури Бухоро поғонасининг марказий ҳудудида (53,1%) устунлик қилиши қайд этилди.

4. Қудуқларнинг геофизик тадқиқотлари бўйича нефтгазли карбонатли жинслар қатлам-коллекторларининг тарқалиши аниқланди, бунда ғовакликнинг юқори қийматлари (25%-28% гача) карбонатларнинг биоген+биохемоген ва бўлакли генетик турларида қайд этилди.

5. Карбонат формация жинсларининг керн бўйича турланиши аниқланди, ғовакликнинг юқори қийматлари (22%-25% гача) бўлакли генетик турга тўғри келиши аниқланди.

6. Карбонатли жинсларнинг сульфатланиш, кремнийланиш ва пиритланиш кўринишидаги постседиментацион ўзгаришлари ғовақлар ва ёриқларни "даволаш" йўли билан ғоваклик ва ўтказувчанликни камайтириши, қайта кристалланиш, доломитланиш, эриш, ишқорланиш ва ёриқланиш эса коллектор-жинсларнинг ғовак бўшлиғини (28% гача) ошириши исботланган.

7. Карбонат формациясининг нефть-газли жинсларининг постседиментацион ўзгаришларини ўрганиш методикаси энг самарали эканлиги аниқланди, чунки у дизъюнктив дислокациялар яқинида ва мураккаб структурали-текстурали бир жинсли бўлмаган участкаларда юқори ғовакли зоналарнинг ривожланишини башорат қилиш имконини беради (Бухоро-Хива регионининг шимоли-ғарбий қисми, Қозоқбулоқ структураси; Чоржўй поғонасининг марказий қисми, Чавата структураси, Бухоро-Хива регионининг жануби-шарқий қисми, Чувама структураси).

8. Ғовакли ва мураккаб коллекторларнинг шаклланиши учун прогрессив бўлган постседиментацион ўзгаришларнинг кенг ривожланишига нефть-газли жинслар кесимида биоген, хемоген ва бўлакли генетик турдаги карбонат формациясининг тез-тез қайта қатламланиши ва мураккаб коллекторларнинг шаклланишига ҳисса қўшадиган дизъюнктив дислокациялар кўринишида ифодаланган структуравли-текстуравли хилма-хиллик фаол ҳисса қўшганлиги исботланган.

9. Бухоро-Хива минтақасидаги ҳар бир зонани тавсифловчи петрографик ва фильтрацион-сифимли мезонлари билан асосланган углеводород тўпламларини излаш учун нефть-газли карбонат формацияси қатламида объектларни аниқлаш билан истиқболли зоналар тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ
И РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УЧРЕЖДЕНИЕ «ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И
РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ»**

ЭЙДЕЛЬНАНТ НЕЛЯ КУЗЬМИНИЧНА

**ВЛИЯНИЕ СТРУКТУРНО-ТЕКСТУРНОЙ НЕОДНОРОДНОСТИ И
ПРЕОБРАЗОВАННОСТИ НЕФТЕГАЗОНОСНЫХ ПОРОД ЮРСКОЙ
КАРБОНАТНОЙ ФОРМАЦИИ НА ИХ ПЕТРОФИЗИЧЕСКИЕ
СВОЙСТВА В БУХАРО-ХИВИНСКОМ РЕГИОНЕ**

04.00.07 – Геология, поиски и разведка нефтяных и газовых месторождений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025 г.

Тема диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2025.1.PhD/GM218.

Диссертация выполнена в Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений.

Аннотация диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.ing.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Абдуллаев Гайбулла Сайфуллаевич
доктор геолого-минералогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Юлдашев Гафур
доктор геолого-минералогических наук,
Халисматов Ирмухамат
кандидат геолого-минералогических наук, профессор

Ведущая организация:

АО «Узбекгеофизика»

Защита диссертации состоится « 26 » июня 2025 г. в 10:00 часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 при Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (Адрес: 100164, г.Ташкент, ул. Олимлар, 64-Б. e-mail: igirnigm@ing.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (зарегистрировано за № 4417). (Адрес: 100164, г.Ташкент, ул. Олимлар, 64-Б, e-mail: igirnigm@ing.uz).

Аннотация диссертации разослана « 30 » мая 2025 г.

(реестр протокола рассылки № 94 от « 24 » марта 2025 г.).



Т.Х. Шоймуротов

Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

М.Г. Юлдашева

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

А.Н. Богданов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире основной прирост запасов нефти и газа осуществляется за счет вовлечения в геологоразведочный процесс инновационных технологий для поисков скоплений углеводородов. Изучение структурно-текстурной неоднородности юрских карбонатных пород и степени их преобразованности и их влияния на петрофизические свойства карбонатов позволяет повысить эффективность геологоразведочных работ. В связи с этим одной из приоритетных задач нефтегазовой геологии является поиск новых перспективных структур с учетом геофизических и литологических исследований, имеющих теоретическое и практическое значение.

В настоящее время в мире проводятся научные исследования по изучению вещественного состава, степени преобразованности, структурно-текстурной неоднородности пород нефтегазоносных комплексов с целью выделения наиболее перспективных зон для поиска залежей нефти и газа. В связи с этим особое внимание уделяется определению структурно-текстурной неоднородности и генетических типов пород юрской карбонатной формации, выявлению приуроченности пластов-коллекторов к определенным генетическим типам, установлению степени преобразованности карбонатных пород и её влияние на фильтрационно-ёмкостные свойства для поиска нефтегазоперспективных участков.

В республике достигнуты определенные научные результаты по развитию нефтегазовой отрасли, которое зависит от прироста запасов углеводородов и требует наращивания объёмов геологоразведочных работ. Опираясь на Стратегию развития Нового Узбекистана,¹ можно подчеркнуть важность «продолжения реализации промышленной политики, направленной на обеспечение стабильности национальной экономики, увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте и рост объёма производства промышленной продукции». Исходя из этого, оценка влияния структурно-текстурной неоднородности и преобразованности пород карбонатной формации Бухаро-Хивинского региона на их петрофизические свойства для выделения благоприятных зон поиска скоплений нефти и газа имеет большое научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3006 от 25.05.2017 г. «Об утверждении Государственной программы развития и воспроизводства минерально-сырьевой базы на период 2017-2021гг.», № ПП-4522 от 18.11.2019 г. «О мерах по совершенствованию системы организации и проведения геологоразведочных работ на нефть и газ», Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 г. «О

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

Стратегии развития Нового Узбекистана 2022-2026 годы», а также других нормативно-правовых документов, принятых в этой отрасли.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VIII «Науки о Земле» (геология, геофизика, сейсмология переработка минерального сырья).

Степень изученности проблемы. Карбонатная формация юрского возраста представляет собою огромный объёмный геологический элемент в пределах Западного Узбекистана. Еще при первых исследованиях её отмечена выдержанность и признание того, что юрская карбонатная толща представляет собой идеально выраженную платформенную формацию, выделенную как обособленный этап в истории геологического развития.

